

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.02/30.12.2019.FIL.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

**МАМАТАЛИМОВ ЗАФАР МАМАРАИМОВИЧ**

**АНВАР ОБИДЖОН ШЕЪРИЯТИНИНГ БАДИИЙ-МАЪРИФИЙ**  
**ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

УЎК: 821.512.133-1(092)(043.3)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological  
sciences**

**Маматалимов Зафар Мамараимович**

Анвар Обиджон шеърятининг бадий-маърифий хусусиятлари ..... 3

**Маматалимов Зафар Мамараимович**

Художественно-просветительские особенности поэзии Анвара Обиджана...27

**Mamatalimov Zafar Mamaraimovich**

Educational fiction features of Anvar Obidjon's poetry .....53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 57

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.02/30.12.2019.FIL.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

**МАМАТАЛИМОВ ЗАФАР МАМАРАИМОВИЧ**

**АНВАР ОБИДЖОН ШЕЪРИЯТИНИНГ БАДИИЙ-МАЪРИФИЙ**  
**ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Fil528 рақам  
билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) веб-саҳифанинг  
www.tai.uz ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига  
жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Баракаев Раҳматулла**  
филология фанлари номзоди

**Болтабоев Ҳамидулла Убайдуллаевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Матчонов Сафо**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи илмий муассаса:**

**Алишер Навоий номидаги Тошкент  
давлат ўзбек тили ва адабиёти  
университети**

Ҳимоя 2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат\_\_да Ўзбекистон Республикаси Фанлар  
академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги Илмий даражалар  
берувчи DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; факс:  
(99871) 233-71-44; e-mail:uzlit @uzsci.net).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий  
кутубхонасида танишиш мумкин.

Манзил: 700170, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871)262-74-58.

Диссертация автореферати 2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Ф.Каримов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, филол.ф.д., академик

**С.П.Тўлаганова**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби в.в.б., филол.ф.д.

**И.Ч.Ҳаққулов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги Илмий семинар  
раиси, филол.ф.д., проф.

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида болалар адабиётини турлар, жанрлар, болалар адабиёти етакчи намояндалари ижодининг ўзига хосликлари, давр адабиётида тутган мавқеи болалар адабиёти тараққиёт тамойиллари нуқтаи назаридан тадқиқ этилиши барча даврлар учун энг долзарб муаммолардан бўлиб, ёш авлодни турли ахборот хуружларидан асраш, миллатнинг миллат сифатидаги асл қиёфасини сақлаб қолиш, тил, миллий қадриятлар, урф-одатлар, тарихий меросни имкон қадар соф ҳолда келажак наслларга етказиш, миллат эртаси ва келажакнинг белгилаши нуқтаи назаридан ўзига хос аҳамият касб этади. Зеро, ёш авлод маънавий камолотида болалар адабиёти улкан бадиий-эстетик ва маърифий-тарбиявий мавқе касб этиши унинг жамият ривожидан тутган ўзига хос ўрнини белгилашга ҳам хизмат қилади.

Дунё адабиётшунослигида болалар адабиёти етакчи намояндалари ижодининг миллий ва жаҳон болалар адабиёти ривожиданги ўрни, анъанавийлик ва бадиий маҳорат, мавзу кўлами ва бадиий талқиндаги ўзига хосликлари маълум бир шоир ёки ёзувчи ижоди ёхуд муайян жанрлар мисолида тадқиқ этилган. Бундай тадқиқотлар турли халқлар болалар адабиётларининг майдонга келиш, таркиб топиш, шаклланиш ва тараққиёт босқичларини белгилаб бериш, шунингдек, турли даврлар болалар адабиётининг тараққиёт тамойилларини ушбу давр етакчи намояндалари асарларининг ўзига хосликлари нуқтаи назаридан асослаш йўналишларидан иборатдир.

Ўзбек адабиётшунослигида истиқлол даврида болалар адабиётида бадиий тафаккурга янги қарашлар ҳамда асарни баҳолашда янги ёндашув тамойили кучайиб, шакл ва мазмун жиҳатидан хилма-хил изланишлар майдонга келиши натижасида шонли тарихимиз, қадриятларга муносабат, эркинлик, озодлик қадри, келажак насллар олдидаги масъуллиқ тушунчалари мазмун-моҳияти тубдан ўзгариши, ўз навбатида, адабиётнинг муайян даражада янгилашига ҳам сабаб бўлди. “...Болалар адабиёти ёшлар орасида бадиий жиҳатдан юксак, интеллектуал савияни ўстиришга, дунёқарабини кенгайтиришга хизмат қиладиган бадиий, маърифий адабиётларнинг янги авлодини яратишга бевосита хизмат қилади”<sup>1</sup>. Ёш авлод маънавий камолотида болалар адабиётининг ўрни бениҳоя юксаклиги эса, табиий равишда, унинг етакчи намояндалари ижодини монографик тарзда махсус ўрганишни ҳам тақозо этади. Бинобарин, XX асрнинг 70-йилларида адабиётга кириб келган ва ўзбек болалар адабиётининг том маънодаги етакчиларидан бирига айланган Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон ижодий меросини ушбу нуқтаи назардан ўрганиш, ижодкорнинг болаларга бағишланган шеърӣ, насрий ва драматик асарлари, улардаги

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши // Халқ сўзи, 2017, 13 январь.

фақат шу ижодкорга хос табиий соддаликка йўғирилган бадиий юксакликни, адибнинг болаларбоп ёза билиш санъаткорлигини тадқиқ этиш адабиётшунослигимизнинг муҳим вазифаларидандир. “Анвар Обиджон ўхшаши йўқ овози, янгича услуби билан чиндан ҳам ўзига хос мактаб яратган”<sup>2</sup> ижодкор эканлиги эса адабиётшунослигимизда болалар адабиёти тараққиёти ҳамда ўзига хос жиҳатлари ҳақида муайян ижодкор ҳаёти ва ижоди мисолида тадқиқот олиб бориш ҳам долзарблигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”, 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3652-сон “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сон “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Мавзунинг ўрганилиш даражаси.** Ўзбек болалар адабиётининг кўзга кўринган вакиллари билан бири Анвар Обиджон турли жанрдаги асарлари билан навқирон авлод қалбини забт этган шоир, ёзувчи ва драматург сифатида ном қолдирди. Унинг ижодига муносабат билдириш ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ бошланиб, П.Шермухаммедов, С.Мамажонов, Б.Имомов, С.Матчонов, Х.Эгамов, С.Ирисхўжаева, А.Расулов, Қ.Қахрамонов, Р.Баракаев, Т.Адашбоев, М.Жумабоев, Д.Ражабов, К.Турдиева, З.Иброҳимова, Қ.Йўлчиев, М.Қурбонниёзов, Г.Жўраева, Л.Шарипова, Н.Тўхтаева каби адабиётшунос олим ва тадқиқотчиларнинг китоб<sup>3</sup>,

<sup>2</sup> Жумабоев М. Фарғоналиклардан бири // Фарғона ҳақиқати, 2010, 7 август.

<sup>3</sup> Эгамов Х. Болалар дунёси. – Тошкент: Ёш гвардия, 1976. – 48 б.; Шермухаммедов П. Истеъдод сеҳри. – Тошкент: Ёш гвардия, 1977. – 136 б.; Матчон С. Тириклик суви. – Тошкент: Ёш гвардия, 1986. – 176 б.; ўша муаллиф. Китоб ўқишни биласизми? – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 144 б.; Қахрамонов Қ. Адабий танқид ва ўзбек болалар адабиёти. – Тошкент: Фан, 1991. – 120 б.; Баракаев Р. Жонажоним, шеърят. – Тошкент: Чўлпон, 1997. – 88 б.; Иброҳимова З. Қувноқликка яширинган изтироблар. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий

диссертация<sup>4</sup>, мақола ва тақризлари<sup>5</sup>да адиб асарларининг турли жиҳатларига муносабат билдириб ўтилганлигини кузатиш мумкин. Аммо бу муносабатлар истеъдодли ва серқирра ижодкор ҳаёти, ижоди ҳамда маҳорати ҳақида яхлит таассурот уйғотмайди. Бироқ адабиётшуносликда ҳозиргача бу ижодкор ҳаёти ва ижодини умумлаштирувчи, болалар адабиёти тараққиётига қўшган ҳиссасини ойдинлаштириб, мавқеини белгиловчи яхлит илмий-тадқиқот яратилмаганлигини қайд этиш жоиз.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот мавзуси ЎЗР Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий-тадқиқот ишлари режаларига биноан ОТ – Ф1-77 “Ўзбек адабиёти дурдоналари 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш” (2017–2020) фундаментал илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Анвар Обиджон шеърларининг бадиий-эстетик ва маърифий-тарбиявий хусусиятларини белгилаш, шоир ижоди орқали ХХ асрнинг иккинчи ярми ҳамда истиқлол даври ўзбек болалар адабиётида вужудга келган бадиий-шаклий янгиланишлар ҳамда адабий-эстетик жараёнлар тадрижий тақомилида Анвар Обиджон ижодий тажрибалари нечоғлик аҳамият касб этганлигини кўрсатишдан иборатдир.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Анвар Обиджоннинг болалар шоири сифатида ижодининг илк босқичидан ҳозирга қадар кечган тадрижий тақомилини изчиллик ва узвийлик нуқтаи назаридан белгилаб, шоир ижодий лабораториясининг ўзига хосликларига диққат қаратиш;

ижодкор бадиий маҳоратига хос қирраларни халқ оғзаки ижоди, мумтоз ва замонавий адабиёт анъаналари ҳамда новаторлик муносабатлари доирасида ўрганиш;

---

кутубхонаси, 2005. – 31 б.; Расулов А. Ўзлик сари йўл. – Тошкент: Адиб, 2012. – 40 б.; Ражаб Д., Жўраева Г. Маҳорат марралари. – Тошкент: Paradigma, 2018. – 36 б.

<sup>4</sup> Турдиева К. Ҳозирги замон шеърлятида маънавий масаласи: Филол. фан. номз...дисс.автореф. – Тошкент, 1994. – 20 б.; Ражабов Д. 80-йиллар ўзбек болалар шеърлятида поэтик маҳоратнинг айрим масалалари: Филол. фан. номз...дисс. автореф. – Тошкент, 1995. – 30 б.; Шарипова Л. ХХ асрнинг 70-80-йиллари ўзбек шеърлятида фольклоризмлар: Филол. фан. номз...дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 26 б.; Жўраева Г. Ўзбек болалар шеърлятида ҳажвий образ яратиш маҳорати: Филол. фан. номз... дисс.автореф. – Тошкент, 2011. 31 б.; Юлчиев Қ. Ўзбек шеърлятида бирлик ва учлик шеър поэтикаси: Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2017. – 46 б.; Тўхтаева Н. Истиқлол даври ўзбек болалар шеърлятининг етакчи хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс. – Тошкент, 2019. – 149 б.; Шарипова Л. ХХ аср иккинчи ярми ўзбек шеърляти бадиий тараққиётида фольклор: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 72 б.

<sup>5</sup> Мамажонов С. Ҳозирги ўзбек болалар адабиётининг баъзи тенденциялари / Болалар олами. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. – Б. 3-15; Имомов Б. Замон ва болалар драматургияси / Болалар олами. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. – Б. 22-25; Қурбонниёзов М. Болалар шеърлятида маънавий-ахлоқий муаммолар талқини / Бадиият жиллолари. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2006. – Б. 147-153; Баракаев Р., Мамагалимов З. Анвар Обиджоннинг нурли ижоди / “Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон таваллудига 70 йил” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. (1-китоб) – Тошкент, 2017. – Б. 121-132; Баракаев Р., Мамагалимов З. Анвар Обиджоннинг нурли ижоди / “Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон таваллудига 70 йил” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари (2-китоб). – Тошкент, 2017. – Б. 20-30; Адашбоев Т. Кичкинтойларнинг катта шоири (Анвар Обиджон) // Тил ва адабиёти таълими. – Тошкент, 2007. №1. – Б. 83-86.; Қўчқор Р. Китобни ўқиб мазза қилсанг... // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2012, 1 июнь.

миллий, тарихий қадриятларимиз тикланишининг XX аср иккинчи ярми ва истиқлол даври болалар адабиётига таъсири ҳамда бу жабҳада шоир маърифий-тарбиявий руҳдаги асарларининг бадиий-эстетик қимматига муносабат билдириш;

шоирнинг ўзбек болалар адабиётида ўзига хос янгилик сифатида баҳоланувчи шакл ҳамда мазмун билан боғлиқ тажрибаларига эътибор қаратиш, айниқса, туркум шеърларининг бу борадаги ўрнини кўрсатиш;

Анвар Обиджоннинг ўзбек болалар шеърляти такомлида тутган ўрни, болалар шоири сифатида ўзбек болалар адабиётини ривожлантиришдаги мавқеини белгилаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Анвар Обиджоннинг болаларга мўлжалланган 20 дан ортиқ шеърй тўпламлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни шоир асарларининг таҳлили ташкил этиб, шоирнинг ижодий индивидуаллигини кўрсатиш мақсадида устоз-салафлар, унга замондош болалар шоирларининг баъзи асарлари ҳам қиёсий таҳлилга жалб этилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда биографик, аналитик ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Анвар Обиджоннинг болалар шоири сифатидаги илмий-ижодий биографияси яратилган, шеърй, насрий ва драматик асарлари жанрлар ҳамда мавзуий гуруҳларга ажратилиб тасниф қилинган;

шоир ижодида анъанавийлик ва бадиий маҳорат муаммолари маърифийлик-тарбиявийлик, фольклор жанрлари ҳамда мумтоз адабиётимиз анъаналари янгилашиши нуқтаи назаридан улуғ аждодларимизга бағишланган мадҳиялари қиёси ҳамда анъанавий мавзунинг том маънодаги янгича талқинларига асосланган шеърлари мисолида белгиланган;

шоирнинг ўндан ортиқ туркум шеърларида ўзбек болалар шеърлятини шакл ва мазмун жиҳатидан бойитишга хизмат қилган бадиий тимсоллар яйлов (эркинлик)ни соғинган кўй, илдизи ниҳоятда теран янтоқ, озодлик учун курашувчи учинчи палапон рамзий образларида ижтимоийлашгани асосланган;

шоир ижодий лабораториясига кириш орқали унинг комик ҳолат яратиш маҳоратида Фарғона водийси аскиячилиги образ индивидуаллигини таъминлашга хизмат қилиши кўрсатилган, бадиий асар ғоясини очишда ҳажвий қаҳрамоннинг бадиий-эстетик, дидактик вазифалари аниқланган;

Анвар Обиджон ижодининг XX аср иккинчи ярми ва истиқлол даври ўзбек болалар шеърляти такомлидаги ўрни ҳамда ўзбек болалар адабиётини ривожлантиришдаги мавқеи шоирнинг ушбу давр болалар шеърлятини бадиий тасвир имкониятлари нуқтаи назаридан кескин янгилаган шеърй асарлари қиёсида кўрсатилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Анвар Обиджоннинг ижодий йўли, асарларининг маъно-моҳияти ва бадииятини тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар адабиётшунослик

учун янги илмий-назарий маълумотлар бериши, ўзбек болалар адабиёти тарихи, адабиёт назарияси каби фанлардан яратилдиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

шоир асарларида ифодаланган ғоялар бугунги кун ўқувчисининг дунёқараши, тафаккурини шакллантиришда ҳамда жамиятнинг ахлоқий-эстетик ва маънавий-маърифий такомилда муҳим аҳамият касб этиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг таснифлаш, тарихий-қиёсий, аналитик таҳлил каби усуллар орқали асослангани, ишончли назарий манбалар ҳамда илмий адабиётлардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти болалар адабиётимиз етакчи намоёндалари ҳаёти ва ижоди бўйича назарий маълумотларни янада тўлдириши, хусусан, Анвар Обиджоннинг ўзбек болалар адабиёти ривожигаги ўрни, бадиий маҳорати ҳақидаги хулосалар ўзбек болалар адабиёти тарихи ҳамда ҳозирги адабий жараён фанлари ривожига хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти иш материали ҳамда умумлашма хулосаларидан болалар адабиётига оид назарий қарашларни тўлдириш, ўзбек болалар адабиётининг тараққиёт хусусиятларини ўрганиш ва тарихини яратишда, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун болалар адабиёти бўйича дарслик ҳамда қўлланмалар мукамаллашувига, олий ўқув юртларининг филология, бошланғич таълим, мактабгача тарбия факультетларида махсус курс, семинарлар ўтказиш ҳамда маърузалар ўқишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Анвар Обиджон шеърятининг бадиий-маърифий хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

шоир шеърятига ўзбек мумтоз адабиёти анъаналарининг таъсири, хусусан, ғазал шаклидаги шеърларида Алишер Навоий ижодий анъаналаридан озикланганлиги ҳақидаги назарий хулосалардан А-1-118 рақамли “Алишер Навоий образининг тасвир ва талқинига оид ўқув қўлланмасини тайёрлаш ва нашр этиш” (2012–2017) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 ноябрдаги 89-03-4978-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ўқув қўлланмаси Алишер Навоий образининг болалар адабиётидаги талқинига доир фикрлар билан бойитилган;

Анвар Обиджоннинг фольклор анъаналаридан фойдаланиш маҳорати халқ оғзаки ижодига хос жанрлар мисолида талқин қилинганлиги хусусидаги мулоҳазалардан ХТ-Ф2-004 рақамли “Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари” (2008–2010) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 ноябрдаги 89-03-4978-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг фольклор анъаналари қисми бошланғич синфларда халқ оғзаки ижоди таъсирида яратилган шеър

асарларни ўқитиш жараёнида халқ амалий педагогикаси тажрибаларидан фойдаланишнинг аҳамияти жонли мисоллар ёрдамида асослаб берилган;

ҳозирги ўзбек шеърлятида адабий анъаналар билан дунё адабиёти тажрибаларининг синтезини асослаш мақсадида шарқ адабиётининг буюк классиклари Навоий, Бобур, Машраб, Муқимий; Европа адабиётининг етук вакиллари Пушкин, Сергей Есенин ижодий анъаналаридан озиқланган Анвар Обиджон поэтик маҳорати, шоир ижодининг истиқлол даврида алоҳида ривожланиш палласига кирганлиги “Мактаб”, “Ўқитувчининг ўғитлари”, “Темур бобо ривояти”, “Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал” каби шеърлярида яққол бўй кўрсатганлиги ҳақидаги фикрлардан Ф-1-06 рақамли “Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези” (2012–2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 ноябрдаги 89-03-4978-сон маълумотномаси). Натижада диссертант қарашлари қиёслар асосида умумий хулосаларни кучайтиришга хизмат қилган.

“Мешполвоннинг жанглари” достони, “Олтиарикдан олти эртақ” туркумига кирувчи адабий эртақларда халқ оғзаки ижодидан таъсирланиш масалалари, мифларга хос бўрттириш, жонлантириш, мотивировка элементлари шоир шеърлятида комик ҳолат яратишнинг ўзига хос усули сифатида хизмат қилганлиги борасидаги мулоҳазалардан “Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни” (2012–2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 ноябрдаги 89-03-4978-сон маълумотномаси). Натижада Анвар Обиджон яратган дostonлар, адабий эртақлар хусусидаги назарий хулосалар лойиҳанинг илмий қимматини оширишга ёрдам берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 2 та халқаро, 6 та республика конференциясида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши.** Диссертациянинг асосий мазмуни Республика илмий журналлари ҳамда илмий тўпламларда чоп этилган 9 мақолада ўз ифодасини топган. Шулардан 8 таси ЎЗР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси рўйхатидаги республика нашрлярида, биттаси хорижий нашрда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, уч асосий боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 146 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишлярига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий

аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Анвар Обиджон – болалар шоири”** номли биринчи боби икки фаслдан иборат бўлиб, биринчи фасл **“Ижодкорнинг ҳаёт ва ижод йўли”**га бағишланади.

Анвар Обиджоннинг шеърӣ иқтидори намоён бўлишига араб, форс тилларини мукаммал билган бобоси Баҳромхон эшоннинг, бадий ижодга меҳр қўйишида бувиси Сарвинисо аянинг алоҳида ўрни борлиги, уларнинг уйида отинойилар тез-тез тўпланиб, халқ достонлари, Саъдий, Бедил, Навоӣ, Машраб каби мумтоз адабиёт вакиллари ижоди бўйича ғазалхонлик кечалари, достонхонлик, мушоиралар ташкил этганлари ҳамда бундай тадбирлар бўлажак ижодкор қалбида чексиз ҳис-ҳаяжон, завқ-шавқ уйғотгани адибнинг **“Болалиқдан айрилиш қийин”** мақоласида болалиқ дамларини **“дастлабки шеърларимни ўша отин ойилардан эшитган Машраб ғазаллари радифларига тақлидан битганман”**, – дея хотирлаши орқали асосланади.<sup>6</sup>

Шунингдек, ушбу фаслда Анвар Обиджон адабиёт деб аталмиш сирли оламга кириб келишида, маҳорат пиллапояларини босқичма-босқич эгаллай боришида Миразиз Аъзамнинг ҳам ўрни беқиёслиги шоирнинг **“Кўринмас мураббий”** мақоласидаги: **“шу асно, муносабатлар ўзгача тус олди – мен шеър юбораман, тоғнинг нариги тарафидаги кўринмас мураббий у ёки бу сатрларни бўлакчароқ ифодалашга, тортимлироқ яқун топишга уриниб кўришимни тайинлаб, жавоб қайтаради. Мен айтилган шеърларни таъмирлаб, конвертга тикаман, Миразиз ака яна бир тиришиб кўришимни сўрайди, шошмасликка, эринмасликка чақиради”**, – деган эътирофи орқали қайд этилади.<sup>7</sup>

Бўлажак шоирнинг **“Шкафчам”** деб номланган биринчи шеъри 8-синфда ўқиб юрганида **“Ғунча”** журналида эълон қилинган бўлиб, бадиият талабларига тўла жавоб бермасида, ҳаваскор шоирда болалар адабиётига чексиз иштиёқ пайдо қилгани билан жуда эътиборлидир. Унинг **“Баҳромнинг ҳикоялари”** номли тўплами **“Ёш гвардия”** нашриётида чоп этилиб, мунаққидлар томонидан ижобий баҳолангач, шу нашриётга ишга таклиф қилинади. У **“Камалак”**, **“Чўлпон”** нашриётларида муҳаррир, бош муҳаррир, директор вазифаларида ишлайди. **“Ёш куч”**, **“Муштум”** журналларида фаолият олиб боради. Ўзбекистон телерадиокомпаниясида муҳаррирлик қилади.

Кетма-кет нашр қилинган **“Масхарабоз бола”** (1986), **“Жуда қизиқ воқеа”** (1987) тўпламлари унинг болалар шоири сифатидаги қиёфасини, бошқа ижодкорларда такрорланмайдиган ўзига хос услубини яққол намоён қилди.

<sup>6</sup> <http://kh-davron.uz/yangiliklar/muborak-kin/anvar-obidjon-aytmishlari-va-hikmatlari.html>

<sup>7</sup> Обиджон А. Кўринмас мураббий // Маърифат, 2006, 11 ноябрь.

Истиклол йилларида шоир “Ажойибхона” (1993), “Булбулнинг чўпчаклари” (2001), “Ўғирланган паҳлавон” (2006), “Митти Бароқ берар сабоқ” (2012), “Жажжи-жажжи кулчалар” (2013), “Қуённинг туғилган кунда” (2016) сингари шеърий тўпламларини ёш китобхонларга тақдим қилди. Анвар Обиджоннинг болаларга бағишлаб ёзилган шеър, дoston ва эртақлари 2019 йилда “Қувноқ-қувноқ болалар” номи билан бир китобга жамланиб, “Ўзбек болалар адабиётининг олтин фондидан” рукни остида босмадан чиқди.<sup>8</sup>

Юрт озодлиги, турмуш фаровонлигини айнан ёш авлод тимсолида орзулаган ижодкор “Эй, ёруғ дунё!”<sup>9</sup>, “Оловжон ва унинг дўстлари”<sup>10</sup>, “Олтин юракли Автобола”<sup>11</sup>, “Даҳшатли Мешполвон”<sup>12</sup>, “Ўқ ўтмас болакай”<sup>13</sup> сингари наср намуналарига эрка ташна элнинг армонларини сингдиришга ҳаракат қилди. Адабиётшунос М.Жумабоев таъкидича, ижодкор бу асарларида “босқинчиликни ўз номи билан атаб, ўз миллати болаларини кишанлардан халос бўлишга тинмай даъват этаверди”.<sup>14</sup> Мунаққид М.Сатторов эса “Даҳшатли Мешполвон” асарини “қарам давлатнинг болаларига тарқатилган озодлик варақалари” дея баҳолайди.

Турли ҳашарот, паррандаю даррандалар тилидан сўзлаб берилувчи ҳикоялар асосига қурилган “Атрофимиздаги қизиқчилар”, шарқ халқларининг муқаддас байрами – Наврўз, унинг келиб чиқиш тарихига оид ривоятларга асосланган “Кезаргон бойчечак” қиссаси, бир-биридан қизиқарли саргузаштларга бой “Пашшавойнинг бошидан кечирганлари” митти роман-фожеаси, “Футбол тўпининг саргузаштлари” ҳикоялари эпик турга мансуб жанрларда муаллиф маҳорат кирраларини кўрсатувчи асарлар сирасига киради. Бу асарларнинг айримлари “Аламазон и его пехота” (1984), “Грозный Мешполван” (1991), “Чудаки вокруг нас” (2016) номлари билан рус тилига таржима қилинган.

Анвар Обиджоннинг драматургия соҳасидаги фаолияти “Паҳлавоннинг ўғирланиши”, “Қўнғироқли ёлғончи”, “Даҳшатли Мешполвон”, “Қоринботир” (“Топсанг – ҳай-ҳай”), “Наврўз ва Бойчечак”, “Алишер ила Хусайн ёки уч доно ва ўғри” номли пьеса, комедия ҳамда дostonлар тарзида болалар драматургияси ривожига сезиларли ҳисса бўлиб қўшилган.

“Кетмагил”, “Безгакшамол”, “Безгакшамол – 2”, “Танланган шеърлар”, “Танланган шеърлар – 2” шеърий тўпламлари, “Ерликлар”, “Олтиариқ хангомалари”, “Онамнинг мамлакати”, “Ажинаси бор йўллар” сингари шеър, ҳикоя, новелла ва эсселардан иборат тўпламлари адибнинг катталар адабиётидаги алоҳида мавқеини белгиловчи асарлардир.<sup>15</sup>

<sup>8</sup> Обиджон А. Қувноқ-қувноқ болалар. – Тошкент: Чўлпон, 2019. – 488 б.

<sup>9</sup> Обиджон А. Эй, ёруғ дунё! – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. – 64 б.

<sup>10</sup> Обиджон А. Оловжон ва унинг дўстлари. – Тошкент: Ёш гвардия, 1983. – 112 б.

<sup>11</sup> Обиджон А. Олтин юракли Автобола. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. – 144 б.

<sup>12</sup> Обиджон А. Даҳшатли Мешполвон. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – 224 б.

<sup>13</sup> Обиджон А. Ўқ ўтмас болакай. – Тошкент: Шарқ, 2005. – 256 б.

<sup>14</sup> Жумабоев М. Фарғоналиклардан бири // Фарғона ҳақиқати. 2010, 7 август.

<sup>15</sup> Обиджон А. Кетмагил. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. – 112 б.; Безгакшамол. – Тошкент: Шарқ, 1985. – 40 б.; Безгакшамол – 2. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 64 б.; Танланган шеърлар. – Тошкент: Шарқ, 2006.

Анвар Обиджон салкам ярим асрлик ижоди давомида республикамиз ижтимоий, маданий ҳаётида содир бўлаётган воқеаларга қалби уйғоқ ижодкор – публицист сифатида муносабат билдириб келди. Унинг “Тип-тиниқ вужуд”, “Ҳангома мударриси”, “Бир кишилиқ гурунг”, “Кўринмас мураббий”, “Тўғрилиқнинг ошиғи”, “Халққа керак бўлиш бахти”, “Ўрни борнинг кадри бор”, “Ўйла! Изла! Топ!”, “Камроқ хитоб, кўпроқ китоб”, “Алифбе”даги сирли қоп”, “Ҳақиқат ҳалолликдадир”, “Чингиз оғани ким йиғлатди?”, “Истеъдод – адабиётнинг умиди” сингари публицистик асарларида ўз даври учун долзарб масалалар қаламга олинади.

Анвар Обиджоннинг ўзбек адабиётини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирланган. У 1997 йилда “Шухрат” медали билан тақдирланган бўлса, 1998 йилда “Ўзбекистон халқ шоири” унвони берилган. 2011 йилда “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан мукофотланган. 2017 йилда шоир таваллудининг 70 йиллиги республикамиз бўйлаб кенг нишонланди. Анвар Обиджон 2020 йил 11 апрель куни 73 ёшида оламдан ўтди.

Ижодий фаолияти давомида эллиқдан ортиқ китоби чоп этилгани Анвар Обиджоннинг ҳам болалар, ҳам катталар адабиётида ўзига хос ўрин тутувчи серқирра ва серқўлам ижод соҳиби эканлигини тасдиқлайди. Шунинг кўзда тутган ҳолда мазкур тадқиқотда адибнинг болалар шеърини ривожда тутган ўрни ва поэтик маҳоратининг айрим қирраларини тадқиқ этиш билан чекланиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Биринчи бобнинг *“Болалар учун ёзилган шеърини асарлари жанрини таркиби ва мавзулар қўлами”* номли иккинчи фаслида Анвар Обиджон шеърини туркумлари мисолида жанр ва мавзу ранг-баранглигига эътибор қаратилади. Жумладан, “Каламушлар кемаси” туркуми иккиликлардан, “Ширин сўйлар жажживойлар” – савол-жавоб асосига қурилган ихчам тўртликлардан, “Ўзимизбоп яллалар” – болаларбоп қўшиқлардан иборатлиги шоир анъанавий вазнларда қалам тебратганидан далолатдир.

“Булбулнинг чўпчаклари” туркумидан ёш китобхонда аруз вазнига муҳаббат уйғотиш, “Игналарим чиройли” туркумидан турли жонзотларнинг таржимаи ҳоли орқали табиатнинг бошқа аъзоларига нисбатан ҳурмат, меҳрибонлик, хайрихоҳлик ҳиссини янада ошириш, “Далалардан – болаларга” орқали ўқувчини табиатдаги ўсимлик, мева ва сабзавотлар, уларнинг ташқи кўриниши, фойдали хусусиятлари билан таништириш мақсад қилинади. Шу маънода бу туркумларнинг салмоқли қисмини ўзбек болалар адабиётида алоҳида ҳодиса, дейиш мумкин.

Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Қудрат Ҳикмат, Қуддус Муҳаммадий, Илём Муслим, Шукур Саъдулла, Пўлат Мўмин, Миразиз Аъзам, Турсунбой Адашбоев сингари устоз-салафлар ва замондошлар ижодини пухта ўрганган

---

– 360 б.; Танланган шеърлар – 2. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 352 б.; Ерликлар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1990. – 208 б.; Олтиариқ хангомалари. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 192 б.; Онамнинг мамлақати. – Тошкент: Чўлпон, 2013. – 20 б.; Ажинаси бор йўллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 432 б.

Анвар Обиджон улар бой тажрибаларини ўзлаштирган ҳолда, янги-янги шеърӣй шакллар, банд ва қофия тизимида ўзига хос тажрибалар қилиб кўрди.

“Қишлоқ ва болалар” шеърини 70–80-йиллар ўзбек болалар адабиёти учун ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан янгилик сифатида эътироф этиш мумкин:

- |   |     |
|---|-----|
| Болаларсиз қолса қишлоқ,                | (а) |
| Бўлар экан жуда чаток,                  | (а) |
| Хом ейилмай, пишаркан нок.              | (б) |
| Хувиллаб энг гавжум уйлар,              | (с) |
| Боғча, мактаб, кўча-кўйлар,             | (с) |
| Ишсиз ётар экан копток... <sup>16</sup> | (б) |

Ўн банддан ташкил топган шеър шаклий тузилишига кўра мумтоз адабиётдаги мусаддасларга ўхшаса-да, мазмун ва қофияланишига кўра улардан фарқланади. Болаларсиз боғча, мактабдаги синфхоналарнинг хувиллаб қолиши, ҳатто тўйларнинг файзсиз ўтиши, сотувчи, киночиларнинг жиғибийрон ҳолати усталик билан тасвирлангани шеърдан “Фарзанд – ҳаёт қувончи, умр мазмуни” деган умумий хулоса чиқаришга асосий омил бўлиб хизмат қилган. “Қишлоқ ва болалар” шеъри бандларини шунчаки тажриба учун тенг ажратиб, иккита учлик ҳолига келтириб кўрсак, а-а-б, с-с-б... қофия тартиби ҳосил бўлишига гувоҳ бўламиз. Бу кейинчалик алоҳида тадқиқ этилган “уччаноқлар”<sup>17</sup> (барчаси а-а-б қофия тартибига бўйсундирилган) каноник моҳият касб этгунига қадар ижодкор анча тер тўкканидан далолат беради.

Шу билан бирга, ўзбек болалар шеъриятига бир қатор жанрларнинг кириб келиши ёхуд жанр сифатида муқим ўрин эгаллашини бевосита Анвар Обиджон ижоди билан боғлаш мумкин. Жумладан, “Ботирвойнинг кундалиги” туркуми муаллиф ёки қаҳрамон бошидан кечган воқеаларни хронологик кетма-кетликда, кундалик шаклида ўқувчига тақдим қилиш анъанаси таъсирида яратилган. Ташқи томондан бу шеърлар бир мактаб ўқувчисининг йил давомида амалга оширган ишлари хронологиясидек тасаввур уйғотса-да, ҳали кичик мактаб ёшидаги Ботирвойни қийнаётган саволлар беихтиёр китобхон кўнглига кўчиб, уни ҳам ўйлашга, тафаккур қилишга чорлайди.

70–80-йиллар ўзбек болалар адабиётидаги сийқаси чиқиб кетган мавзулардан имкон қадар қочиш, оддий мактаб ўқувчиларининг фавқулодда ишларга қодир қаҳрамонлар қилиб тасвирланишидан тийилиш, ортиқча дабдабозлик, чиранчоқлик, “усти ялтироқ, ичи қалтироқ” ҳаётни жўшиб кўйлаш эмас, ҳақиқий ҳаёт манзарасини ортиқча бўйб-бежамасдан, болаларнинг беғубор оламига мос ҳолда қайта яратиш Анвар Обиджон ижодида яққол бўй кўрсатди. Хусусан, мажозий воситалар орқали

<sup>16</sup> Обиджон А. Ўғирланган паҳлавон. – Тошкент: Чўлпон, 2006. – Б. 12 (кейинги ўринларда мазкур тўпламга муружаат қилинганда, тўплам номи ва шеър саҳифаси қавс ичида берилади).

<sup>17</sup> Бу ҳақда қаранг: Юлчиев Қ. Ўзбек шеъриятида бирлик ва учлик шеър поэтикаси: Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2017. – 46 б.

ифодаланган истибдод, куллик, эрк тушунчалари, болаларнинг кечинмалари, туйғулари билан боғлиқ севги-муҳаббат, ўлим мавзусини ўзида акс эттирган “Яйловни соғинган қўй”, “Янтоқлар хақида қўшиқ”, “Шиппак қўшиғи”, “Кумуш уй”, “Тиллақўнғизнинг жавоби”, “27 декабрь”, “Холнисоннинг қабртошига ёзилган шеър” кабилар ўзбек болалар адабиётини мазмунан янгилашга хизмат қилганини кузатиш мумкин.

Иккинчи боб “**Анвар Обиджон шеърини асарларида адабий анъана ва бадиий маҳорат**” деб номланади. Бобнинг “*Шоир шеърини адабий фольклор анъаналари*” номли биринчи фаслида халқ оғзаки ижодининг санама, лоф, эртак, топишмоқ, марсия, мақол, келинсалом, латифа жанрлари асосида шоир ижодидаги ритм, образ, сюжет, мотив, жанр билан боғлиқ стилизацияларга алоҳида эътибор қаратилган ва мисоллар билан далилланган.

Ишнинг 1-бобида қайд этилганидек, бувиси атрофида тўпланган отинойилар айтган ғазаллар, достонлар, халқ қўшиқлари бўлажак шоирга кучли таъсир кўрсатган. Бироз улғайгач, ўзи ҳам мустақил ҳолда бу ижод намуналарини мутолаа қила бошлаган ижодкор: “Болалигимда кўпроқ эртак ва халқ достонларини ўқирдим. Гўрўғли, Алпомиш, Авазхон, Барчин, Зулхумор, Қиличботир образлари бир умр ёдимда қолди”, – деб ёзади<sup>18</sup>. Шундай таассуротлар асосида ёзилган “Кекса ари” шеърини халқ эртакларига хос мотив стилизациясига дуч келамиз. Эртакларда учрайдиган анъанавий бошланмадан унумли фойдаланган шоир гўёки донишманд ровийга айланиб, ватан, ватанпарварлик мавзусидан сўз очади:

Такрор эртак бошлар у:

– Бор экан-да,

Йўқ экан.

Ариларда бир вақтлар

Бўлган экан кенг Ватан...

Доим шуни айтарди

Набиралар ёнида.

Эски эртак

Ҳеч кимнинг

Тегмас эди жонига.<sup>19</sup>

Сюжети аксар эртаклардагидай мажозий маъно касб этувчи бу шеърда гарчи арилар нима сабабдан ватанидан айрилиб, ковак-кандикларни макон қилишгани айтилмаса ҳам, ўқувчи кўнгли бир нохушлик бўлганини сезади. Балки ўзаро ноаҳиллик, балки сотқинлик, балки бошқа сабаб туфайли арилар кенг, бепоён юртини душманга бой бериб қўйган. Шу боисдан ҳам кекса ари набиралари онгида тотувлик, курашчанлик, юртга муҳаббат туйғуларини уйғотиш орқали шонли ўтмишни қайта тикламоққа уринмоқда.

<sup>18</sup> <http://kh-davron.uz/yangiliklar/muborak-kin/anvar-obidjon-aytmishlari-va-hikmatlari.html>

<sup>19</sup> Обиджон А. Жуда қизиқ воқеа. – Тошкент: Юлдузча, 1987. – Б. 40 (кейинги ўринларда мазкур тўпламга муружаат қилинганда, тўплам номи ва шеър саҳифаси қавс ичида берилди).

Шоир ижодида учрайдиган болалар ўйин фольклорига хос жанрлардан бири санамалардир:

Бир,  
Икки,  
Уч!  
Ўртада – ширингуруч (“Ўғирланган паҳлавон”, 126).

Тўрт мисрадан ташкил топган ушбу санамада рақамлар ритмикаси асосий ўрин эгаллаган. Эътибор берилса, тўртинчи мисрадаги “ширингуруч” сўзи тўрт бўғиндан иборат бўлгани учун санама ритмикасига унчалик мос тушмагандай. Оғзаки адабиётга хос бошқа шеърӣ жанрларда ҳар бир бўғин ритм ҳосил қилишда алоҳида аҳамият касб этади. Яъни, бир-икки бўғиннинг ортиқ-камлиги маромнинг бир текис кечишига ёки унинг бузилишига таъсир қилади. Санамаларда санок оҳанги ритмикликни юзага келтирувчи муҳим унсур бўлганидан айрим ўринларда бўғин иккинчи даражали воситага айланади. Фикр исботи учун

–Косаси //қа//ни?           3+1+1  
–Яшириб //қўй//дим       3+1+1

парчасини

–Коса //қа//ни?           2+1+1  
–Синиб //қол//ди....      2+1+1

тарзида ижро этиб кўрамиз. Кўринадики, гарчи бўғинлар миқдорида тафовут бўлса ҳам санок ритми ўзгармайди. Шу маънода юқоридаги санамада сонларнинг алоҳида-алоҳида сатрларга чиқарилиши, сўнги мисранинг 3+4 тарзидаги туроқ тартиби қайта ишланган фольклоризм сифатида эътиборга молик. Шаклан ихчамлик ушбу рақам-санаманинг болалар ўйинларида муқаддима вазифасини бажаришига асос бўлади. Чунки муқаддима санамалар ўйинда онабоши (ўйинбоши) ёки гал (кўр)да қолувчини аниқлашда ижро этилиши билан эътиборлидир.

Маъновий хусусиятларини текшириш учун Анвар Обиджон санамаси билан қўйидаги икки халқ санамасини чоғиштиришга ҳаракат қиламиз:

Бир, икки, уч,  
Бирлашган куч!  
ёки  
Бир, икки, уч,  
Учдан қолган пуч.

Биринчи санамада аҳиллик, бирлик, ўзаро бирдамлик ғояси улуғланса, иккинчи санамада мўллик, тўкин-сочинлик маъноси ифодаланади. Зеро, “қадимги одам бирор нарсани санаётиб, учдан кейин келадиган рақамни тан олмай, “кўп” сўзини қўллагани каби болалар ҳам ўйин фольклорида учдан кейинги рақамни “билломай”, “пуч” деб қўя қолишган”<sup>20</sup>. Шунингдек, стилизация қилинган санаманинг бироз юмор билан бойитилганлиги ҳам

<sup>20</sup> Жўраев М. Сехрли рақамлар сири. – Тошкент: Ўзбекистон, 1991. – Б. 51.

кўзга ташланади. Шеър мутолаа қилинар экан, ёш китобхон кўз ўнгида бир идишдан талашиб-тортишиб ош ичаётган кичкинтойлар намоён бўлиб, курашчанлик, оғзидаги ошни бировга олдирмаслик, рақибга ён бермаслик ғояларини ўзида мужассамлаштиргани санаманинг мазмунан янгиланганини билдиради.

Бобнинг *“Анвар Обиджон ижодида маърифий-тарбиявийлик”* фаслида “Мактаб”, “Алифбо-шеър”, шунингдек, ватанимиз шонли тарихини улуғлаш мавзусида яратилган шеърлар анъанавий ифода ва ўзига хослик нуқтаи назаридан ўрганилиб, Анвар Обиджоннинг “Мактаб” шеъри Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Аваз Ўтарларнинг шу номдаги ғазал, мухаммас, мусаддасларга қиёсланган. Аваз Ўтарнинг “Мактаб” ғазалида миллатнинг зиёли қатлами, қолаверса, сармоядор бойларни мактаблар очишга чорлаш руҳи устуворлик қилса, Ҳамзанинг “Мактабдин” радифли ғазалида мактаб очишга чақириб эмас, “ўғлон”ларни мактабга жалб этиш, илм олишга рағбат уйғотиш ғояси етакчилик қилади. Шоир инсон қайси соҳада бўлмасин, юксак даражага эришишини айнан мактаб таълими билан боғлайди. Абдулла Авлоний “Мактаб” сарлавҳали шеърларида “усули савтия” (“усули жадида) мактабларининг эски мактаблардан афзаллиги, диний билим билан бирга дунёвий билимнинг зарурлиги сингари маърифий масалалардан баҳс очса, Анвар Обиджоннинг “Мактаб” шеърида дунё илм-фани, маданияти ривожига ҳисса қўшган йигирмадан ортиқ алломаларимиз номлари келтирилиб, ёш авлод дунёга донғи таралган аждодларимиздан ўрнак олиб, буюк кашфиётлар қилишга, дунё сари йўл очиб, миллат номини “беш китъада дoston этиш”га даъват этилади.

Шунингдек, шоирнинг “Темур бобо ривояти” шеъри Т.Адашбоевнинг “Қисмат” балладаси, Миразиз Аъзамнинг мактаб сахнаси учун мўлжалланган “Темурийлар ҳақида баҳс” асарига қиёсан ўрганилганда Анвар Обиджоннинг Амир Темур сиймосини яратишдаги ўзига хослиги “ривоят”нинг биринчи бандида ёвларнинг хуркиши, тўсиқларнинг маҳв бўлиши, “ғирт биров”ларнинг оға бўлишга интилиши замирида Темур бобонинг куч-қудратда тенгсизлиги, жаҳонгирлиги, ҳарб ишида моҳирлигига ишора қилиниши, кейинги бандларда “қадди Қуръондан паст, тоғдан баланд” соҳибқироннинг характериға мос чизгиларға ўрин берилишида намоён бўлади. Бунда анафора (Темур бобонг) таъкидни кучайтиришға хизмат қилса, қаршилангиришлар (сукут – нақл, кулгу – жаҳл, қилич – ақл) феъл-сажияни ёрқинроқ очиш вазифасини бажарган.

Жаҳон халқлари болалар адабиётидаги “қувноқ алифбо” типидagi шеърларнинг илдизлари акростиҳ кўриниши сифатида эътироф этиладиган ўрта асрлар шеъриятининг махсус шеърий шаклиға бориб тақалиши қайд этилган. Ушбу фаслда ўзбек болалар адабиётидаги бир қатор алифбо-шеърлар гарчи С.Маршак, С.Михалков, Ж.Рабони сингари ижодкорлар таъсирида яратилган бўлса-да, шеъриятнинг бу тури адабиётимизға бегона эмаслиги, алифбо-шеърлар пайдо бўлиши бевосита мумтоз адабиётимиздаги ҳарф санъатиға бориб тақалиши хусусида фикр билдирилади. Чунки

Шермухаммад Мунис, Анбар Отин каби иждокорлар ҳарф санъатининг айна ушбу хусусиятларини болалар учун асар яратишга йўналтирганлар. Ишда Муниснинг “Саводи таълим” рисоласи болаларга ёзув (хаттотлик) қоидаларини ўргатишга бағишлангани боис, Анбар Отиннинг “Алифбо” шеърини алифбо-шеърнинг дастлабки намунаси сифатида қайд этиш мақсадга мувофиқ, деган фикрга келинди.

Эътибор берилса, бугунги алифбо-шеърларда алифбо таркибидаги ҳарфларни тавсифловчи шеърӣ парчаларнинг мавжудлиги ва маърифӣ мазмуннинг етакчилик қилишида намоён бўлувчи икки муҳим жиҳат сақланиб қолган.

Замонавий ўзбек болалар адабиётида алифбо-шеърлар Султон Жўра, Қуддус Муҳаммадий, Қудрат Ҳикмат, Т.Адашбоев, Анвар Обиджон, Ҳ.Имонбердиев, М.Худойқулов, К.Турдиева, Дилшод Ражаб, Абдурахмон Акбар каби шоирлар ижодида учрайди. Мазкур шеърлар мундарижасига эътибор қаратилса, улар сюжет тизими, композицион қурилиши билан бири-бирдан тубдан фарқ қилишига гувоҳ бўламиз. Жумладан, К.Турдиеванинг “Алифбо оламига қувноқ саёҳат” шеъри махсус бошланма ҳамда хулосаловчи хотимага эга эканлиги билан алоҳида ажралиб турса, Қуддус Муҳаммадийнинг “Ҳарфлар ўйини” ва Т.Адашбоевнинг “Ҳарфларнинг саргузашти” алифбо-шеърлари бевосита тугундан бошланади. “Ҳарфлар ўйини”да ҳарфлар ёзги таътилда бўш қолиб, юраклари қизиганидан бекинмачоқ ўйнашиб, ҳар ёққа тўзиб кетса, «Ҳарфларнинг саргузашти»да ўттиз беш ҳарф Собирдан аразлаб, турли шаҳарларга кетиб қолади. Дилшод Ражабнинг “Алифбо: ўқи, ёдла, ёз, бўя, болажон!”<sup>21</sup>, Абдурахмон Акбарнинг “Табиат алифбоси”<sup>22</sup> тўпламларида ҳар бир ҳарфга доир шеърӣ парчалар алоҳида сюжетга эга бўлиб, уларнинг ҳар бир мисраси муайян ҳарф билан бошланади, ҳар иккала иждокор имкон қадар мана шу изчилликни бузмасликка ҳаракат қилганлар.

Анвар Обиджоннинг “Ҳарфлар нимага ўхшайди?” шеърида эса лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги ҳарфлар имкон қадар болалар кундалик ҳаётида тез-тез учратадиган, уларга таниш бўлган нарса-буюмларга ўхшатилади. Масалан, X – қайчи, Z – зина, T – ҳали сим тортилмаган симёғоч, M – мушукнинг динг қулоғи, O – оғиз ва ҳ.к. Бу образли тафаккур натижаси ҳар бир ҳарфнинг кичкинтойлар хотирасига тезроқ сингишига ёрдам беради:

“Y” Yo`ldoshvoy yo`qotgan

Yog`och cho`zma ayrisi.

“H” holvaxo`r Hasanning

Tor karavot so`risi (“Жажжи-жажжи кулчалар”, 8).

Бинобарин, “Ҳарфлар нимага ўхшайди?” шеъри мактабгача ёшдаги болаларнинг лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини тез ва осон ўрганишларига ёрдам бериш билан бирга, уларда ўхшатиш, таққослаш каби

<sup>21</sup> Ражаб Д. Алифбо: ўқи, ёдла, ёз, бўя, болажон! – Тошкент: Адабиёт жамғармаси, 2001. – Б. 8.

<sup>22</sup> Акбар А. Фаройиб автобус. – Тошкент: Ўқитувчи, 2012. – Б. 34.

ижобий хислатларни ўстириб, мантикий фикрлаш, образли тафаккур, хулосалаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Ушбу бобнинг **“Фалсафийлик ва мажоз – шоир шеърятининг етакчи хусусияти”** номли учинчи фаслида Анвар Обиджон ижодида бўртиб кўзга ташланиб турадиган ўзига хослик ҳақида сўз боради. Гарчи Анвар Обиджон камтарлик қилиб, қолаверса, устозига ҳурмат юзасидан ўзбек болалар адабиётида ижтимоий-фалсафий мазмуннинг пайдо бўлиши дастлаб Миразиз Аъзамнинг “Ўйчан кўзлар эгаси”, “Бир қушча” шеърлари орқали намоён бўла бошлаганини таъкидласа ҳам, адабиётшунослар фикрича, ўтган асрнинг 70–80-йилларида бундай мазмундаги асарларнинг тўлақонли юзага чиқиши бевосита Анвар Обиджон ижоди билан чамбарчас боғлиқ. Шунини таъкидлаш мумкинки, шоир қаламига мансуб “Яйловни соғинган Қўй”, “Ака-ука”, “Учинчи палапон”, “Елпиғичга ёзилган шеър”, “Янтоқлар ҳақида кўшиқ” каби шеърлар С.Матчон, Қ.Қаҳрамонов, М.Жумабоев, Р.Баракаев, Д.Ражабов, З.Иброҳимова, Г.Жўраева, Н.Тўхтаева сингари адабиётшунослар томонидан 80-йиллар ўзбек болалар шеърятини мажозийлик, юмор ва маърифийлик муаммолари доирасида атрофлича таҳлилга тортилган. Ишда олим ва тадқиқотчилар фикрларига муносабат билдирилиб, “Яйловни соғинган Қўй”, “Шиппак кўшиғи”, “Қўғирчоқлар кўшиғи”, “Калиш афсонаси”, “Тулкилар қўйган томоша”, “Автоқишлоқ” шеърлари мисолида қўйилган муаммо моҳиятини янада кенгроқ очишга ҳаракат қилинган.

“Автоқишлоқ” шеърининг номланишиёқ ўқувчида қизиқиш уйғотади. Дарвоқе, нима учун Автоқишлоқ? Автомобил, автобус, автомат... каттаю кичик кундалик ҳаётида тез-тез учрайдиган, барчага тушунарли сўзлар. Бугунги кун қаричи билан ўлчанганда ҳам болаларни автокирювиш мосламаси, автоматлаштирилган поезд, учувчисиз самолёт сингарилар мутлақо ажаблантирмайди. Чунки олисдан кимдир махсус тугмача орқали уларни бошқараётганига боланинг ҳам ақли етади. Бироқ қишлоқ-чи? У автоматлаштирилиши мумкинми?

Қишлоқчага кирибок  
Бўлиб қолдим жуда лол.  
Қайсар автоболани  
Койир эди авточол:  
– Шошмай тургин ҳаммасин  
Айтай автодаданга.  
Қачон ақл киради  
Қовоқ автокаллангга?<sup>23</sup>

Шу тахлит сигирдан челақлаб сут соғиб олаётган автокампир, ит етаклаб овга кетаётган автоовчи, ари чақиб олганидан хўнграб йиғлаётган автоқизча ўз ҳаётини ташвишлари гирдобидида тасвирланади. Бу қишлоқнинг ҳатто ҳайвону паррандалари ҳам антиқа. Автосичқон туршакка тиши ўтмаётганидан норозиланса, автохўкиз автоэшакдан автобузоғини

<sup>23</sup> Обиджон А. Баҳромнинг ҳикоялари. – Тошкент: Ёш гвардия, 1980. – Б. 12 (кейинги ўринларда мазкур тўпламга мурожаат қилинганда, тўплам номи ва шеър саҳифаси қавс ичида берилди).

сўроқлайди. Хуллас, ўттизга яқин *авто* бирикмали сўз ёрдамида автоқишлоқ манзараси чизилиб, тугалланмада шоир узрхоҳлик маъносида шундай дейди:

Болакайлар, кечиринг,  
Айтолмадим у ёғин.  
Чунки авторучкамнинг  
Туғаб қолди сиёҳи.

Назаримизда, ростдан ҳам шоирнинг болакайларга ва “бир вақтлар бола бўлган катталар” (Антуан де-Сент Экзюпери)га “айтолмаган” гапи бордай. Сарлавҳа остидаги “*Фантастик шеър*” изоҳи ҳам асосий фикрни пардалаш, асл маънони яшириш учун қўйилган, деган фикрга келишимизга туртки беради. Шунингдек, “Автоқишлоқ” шеъри А.Ориповнинг “Темир одам” шеърига ҳам муқояса қилиниб, ҳар бирининг ўзига хосликлари кўрсатилган.

Шаклий томондан одатдаги шеърлардан фарқ қилувчи “Турнасаф шеър”да санокли сўзларнинг ўрин алмашиши натижасида инсон – она-юрт – яшаш мазмуни концепциясини ўзида мужассамлаштирган катта ҳаётий мазмун юзага қалқиб чиқади:

Ой  
улуғ  
далада  
ўйнардик

Ой  
улуғ  
дарада  
ўйлардик

Ой  
хира  
далада  
синиқдик

Ой  
хира  
дарага  
кўникдик<sup>24</sup>

Ҳеч қандай тиниш белгилари қўлланмаган, имло қоидаларига риоя қилинмаган шеърда ой сўзининг бош ҳарф билан ёзилишида ўзига хос маъно яширин. Чунки мусулмон оламида ой – иймон, эзгулик, ёруғлик, рўшнолик, меҳр-оқибат тушунчаларини ифодалаб, ислом динининг асосий рамзларидан биридир. Ой сўзининг банд бошида келиши икки жиҳатдан, айниқса, эътиборли бўлиб, дастлабкисида ойнинг осмонда – баландда бўлишига ишора қилинса, иккинчиси, эзгулик, ёруғлик, озодлик, эркинликнинг энг

---

<sup>24</sup> Обиджон А. Танланган шеърлар – 2. – Тошкент: Шарқ, 2014. – Б. 334.

олий кадриятлар сифатида ҳамма нарсдан устун эканлиги таъкиди сифатида эътирофга сазовор.

Диссертациянинг **“Ҳажвий шеърларнинг бадий-эстетик хусусиятлари”** номли учинчи боби 2 фаслдан ташкил топган бўлиб, унинг **“Комик ҳолат яратиш маҳорати”** номли биринчи фаслида айрим тадқиқотлардаги комизм хусусида билдирилган илмий хулосаларга диссертант нуқтаи назари баён қилинган.

Шунингдек, ишда Анвар Обиджоннинг ҳажвий асарлари озиқланиб турадиган асосий манбалар шартли равишда 3 тармоққа ажратиб тасниф қилинади:

1. Ўзбек халқ оғзаки ижоди аънаналари.
2. Ёзма адабиёт аънаналари.
3. Фарғона аскиячилик мактаби аънаналари.

